

Миср Ислом санъати музейидаги мусхафлар



11:00 / 22.05.2021 2074

Мисрдаги Ислом санъати музейида жойлашган мусхафлар жуда хилма-хилдир. Чунки Қуръони Каримнинг ёзилишига эътибор араб ёзувининг ривожланишига ёрдам берган. Хаттотлар ҳам Қуръони Каримни ёзиш бўйича баҳс қилишган ва маҳоратларини тақдим этишган. Араб тили ва араб хаттотлиги Ислом цивилизациясининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланиб, бунинг учун махсус қодалар ва тамойиллар жорий этилди. Бу ўз навбатида рассомларни хаттотлик соҳасида янгилик қилишга ундади.

Миср Ислом санъати музейи 1903 йил 28 декабрда Мисрда Аббос Хилми II даврида очилган. Ушбу музейни очилишидан мақсад Миср, Шимолий Африка, Леванте, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Арабистон ярим ороли ва Андалусия каби дунёнинг турли қисмларидан Ислом асарлари ва ҳужжатларини тўплашдир.

Ҳозирда ушбу музейда турли хил хаттотлик ва гўзал янгиликларга эга кўплаб мусҳафлар намойиш этилмоқда.

Манба: iqna.ir

Хуршид Маъруф тайёрлади